

ЁШ АВЛОДНИНГ МАЊИВИЙ ТАРБИЯСИДА МУСИҚА САНЃАТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Каримов Абдулхай Турсунович

Фарғона давлат университети “Санъатшунослик” факултети доценти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ўзбек мусиқа санъатининг ўтмишида ва ҳозирги кунда халқимизнинг мањавий савиясини оширишдаги аҳамияти ва ўзбек мусиқа маданиятини шакланиши жараёнлари илмий асослаб берилади. Мақолада ўтмишидаги мусиқий ижрочилик анъаналарини тиклаш, уларни замонавий шаклда сақлаб қолиш ўзбек миллий мусиқа асарлари ва созларини хорижий мамлакатларда намойиш этиши халқ манавий меросини асрар авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш жамият хаётидаги мусиқа маданиятининг тутган ўрнини таҳлил этиши асосий вазифа ҳисобланади.

Калим сўзлар: Мумтоз мусиқа, мақом, шашмақом, Маддохон, меҳтар, жадид.

ABSTRACT

This article scientifically substantiates the importance of the Uzbek musical art in the past and present in raising the spiritual level of our people and the processes of formation of the Uzbek musical culture. In the article, the main task is to restore the musical performing traditions of the past, preserve them in their modern form, present Uzbek national musical works and lyrics in foreign countries, preserve the spiritual heritage of the people and transfer it. future generations, to analyze the place of musical culture in the life of society.

Keywords: Music mumtaz, maqom, shashmaqom, maddokhan, mehtar, jadid.

КИРИШ

Бугунги кунда Ўзбекистонда мусиқа санъати ва маданиятини янада ривожлантиришда учун янги имкониятлар яратилди. Мусиқа маданиятининг турли йўналишлари бўйича ёш истеъдодларни излаб топиш, уларнинг ижодий фаолиятини юксалтириш юзасидан ғамхўрлик қилиш муҳим аҳамиятга молик вазифалардан бирига айланди. Халқимизнинг мањавий савиясини ошириш, ёш авлодни юксак инсоний ғоялар, она Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида камол топтиришда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти бекиёсdir. Зоро, ўтмишдаги мусиқий ижрочилик анъаналарини тиклаш, замонавий шароитларда сақлаб қолиш, ўзбек миллий мусиқий асарлари ва созларини хорижий мамлакатларда намойиш этиш, мусиқа таълимида янги анъаналарни таркиб топтириш, халқ мањавий меросини асрар-

авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш, жамият ҳаётида мусиқа маданиятининг тутган ўрнини таҳлил этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Мусиқа маданияти тарихи мавзусига доир совет даврида яратилган асарлар кўлами ниҳоятда кенгdir. Улар орасида ўзбек халқ мусиқаси тарихини ўрганишда Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзода (Харратов)нинг 1925 йил Москвада араб алифбосида нашр этилган Хоразм мусиқий тарихчasi рисоласи муҳим аҳамиятга эга. Ушбу рисолада Хоразм мусиқачилари ижоди, Хива хонлиги ҳудудига Шашмақомнинг кириб келиши, Муҳаммад Рахимхон Ферузнинг мусиқа санъатини ривожлантириш борасидаги ҳаракатлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбек миллий мусиқа маданияти тарихини ўрганишда Абдурауф Фитратнинг ҳиссаси салмоқли бўлиб, муаллифнинг мазкур масалага бағишлиланган асар ва мақолаларида ўзбек мумтоз мусиқаси, унинг услублари ва уларнинг турк, араб, форс мусиқаларидан фарқи, Шарқ мусиқаси назарияси ва унинг асослари тўғрисидаги таҳлилий фикр-мулоҳазалари баён этилган.

Ўзбек миллий мусиқа санъати узоқ тарихий йўлни босиб ўтди. Хусусан, XIX аср охири – XX аср бошларида кўлами, ижро йўллари, шакллари, мураккаблигига қараб анъанавий мусиқа санъати профессионал мусиқа асарлари (мақом, катта ашула, достончилик) ва халқ куйларига (лапар, ялла, қўшиқ, ашула) бўлинган. Шу боис, бу даврда ўзбек халқи мусиқа санъати намояндлари фаолияти икки йўналишда ривожланишда давом этган: биринчиси – зодагонлар ва ҳукмдорларга хизмат кўрсатувчи сарой мусиқачилари, иккинчиси – оддий халққа хизмат кўрсатган санъаткорлар. Ушбу омил туфайли ўзбек мусиқаси мумтоз мусиқа ва халқ қўшиқларига ажralган, деган таҳмин ҳам мавжуд. Мумтоз мусиқа намуналари асосан етук ҳофиз, созанда ва бастакорлар томонидан яратилиб, ўзининг жанрлари ва ижро анъаналари мураккаблиги туфайли мақомчилик санъати ва достончилик ижро услублари, мактаблари билан ажralиб туради.

Мақомлар Шарқ халқларининг жуда қадим замонлардан мавжуд бўлган мусиқа жанрларидан бири сифатида мусиқа меросида жуда муҳим ўринни эгаллайди. Анъанавий мусиқа санъатининг мақомчилик йўналиши Бухоро-Самарқанд, Фарғона-Тошкент ҳамда Хоразмда кенг ривож топди.

Бухоро амири саройида мақомларга жуда катта қизиқиши билан қаралган. Амир Саид Олимхон мақом мусиқасини қадрлаб, ўзи ҳам дутор чалишни яхши билган ва Шашмақом куйларини ижро этган. Амирликда халқ мусиқачилари орасидан иқтидорли болалар танлаб олиниб, тажрибали мусиқачилар қўлига

топширилган. Масалан, Бухоронинг машхур мақом усталари Уста Шоди Азизов, Бобоқул Файзуллаев, Шохназар Соҳибов кабилар сарой мусиқачилари кўлида таълим-тарбия олганлар.

Бухоро мусиқачилари алоҳида мавзе ва кўчаларда истиқомат қилиб, уларнинг яшаш манзили “Маддоҳон” деб юритилган. Ҳатто, мусиқачилар-нинг фақат ўзлари тушунадиган гаплашиш тили бўлган. Бу даврда моҳир созанда “мехтар” деб аталган.

Тошкент ва Фарғона водийсида ҳам мумтоз мусиқанинг маълум варианatlари юзага келди. Ушбу йўналиш асосан катта ашула йўлларидан иборат. Ашурали Ҳофиз, Мирза Қосим Ҳофиз, Мўминжон Ҳофиз, Мўйдин Ҳожи, Беркинбой Файзиев, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Ганижон Мирзаев, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Турғун Каримовлар халқ орасида танилган. Фарғона водийсида маҳаллий ижрочилик мактаблари ҳам кенг тарқалиб, улар орасида айникса, Кўқон, Марғилон, Бешариқ каби ижрочилик мактаблари машхур эди.

XIX аср охири – XX аср бошларида Хоразм воҳаси ўзбек мусиқа санъатида ўзининг ижрочилик ва хонандалик анъаналари билан анча машхур бўлган. Воҳада мақом ижрочилиги достон йўллари, халқ оммавий қўшиклари ўз йўналишлари доирасида ривожланган. Бу даврда Хоразмда Комил Хоразмий, Мирзо, Мухаммад Раҳимхон Феруз, Ниёзжон Хўжа каби машхур бастакорлар ижод қилган эди. Комил Хоразмий Хоразм танбур нота чизигини яратди. Ўрта Осиёда XIX аср охири – XX аср бошларида мусиқачилар, хусусан, карнайчи, сурнайчи, ногорачилар, актёрлик ҳунари жуда қадрланган.

Туркистонда Европа мусиқа маданияти тарғиботида В. В. Лейсек, Н. Н. Миронов, В. А. Успенский, С. И. Вансовская, В. И. Михалек каби машхур мусиқа билимдонлари жуда катта роль ўйнаганлар. 1902 йили Тошкентда Чайковскийнинг “Евгений Онегин” операси, Глинканинг “Иван Сусанин” операларидан парчалар қўйилган.

1904 йил бошида Тошкентда В.И.Михалек раҳбарлигидаги “Симфония ва камера мусиқаси ҳаваскорлари тўгараги” ташкил этилган. Тўгарак базасида 30 кишидан иборат оркестр жамоаси тузилиб, улар рус ва Европа классикларининг асаларини моҳирона ижро этганлар. Айни пайтда нафақат Тошкент шаҳрида, балки Туркистоннинг Фарғона, Андижон, Самарқанд каби шаҳарларида ҳам рус мусиқачилари томонидан мусиқа ҳаваскорлик тўгараклари оркестр жамоаларини тузишга эътибор қаратилган.

Мусиқашунос-этнограф олим В.Успенский ва В.М.Беляевлар биринчи-лар қаторида ўзбек мусиқа маданияти тарихини тадқиқ этишга киришганлар. Улар

ўзбек мумтоз мусиқа санъати ва унинг ўзига хос жиҳатлари, ўлкада мусиқанинг тутган ўрни, мусиқа созлари хусусида ниҳоятда бой маълумот-ларни тўплаб, нашр эттирган эдилар.

XX аср бошларида Туркистоннинг деярли барча шаҳарларида жадидларнинг ҳаваскорлик тўгараклари ва театрлари ташкил топди. 1911-1917 йиллар давомида 20 га яқин пьесалар ёзилган. К.Нусратиллаевнинг “Тўй”, А.Қодирийнинг “Бахтсиз куёв”, Хўжа Муиннинг “Эски ва янги мактаб”, А.Бодрининг “Аҳмоқ” пьесалари шу даврда яратилган.

ХУЛОСА

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Туркистон, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига мусиқа санъатида жиддий ўзгаришлар ва янгилинишлар юз берди. Европалик мусиқа билимдонлари Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига мумтоз мусиқа ва ҳалқ оғзаки намуналарини ўрганиш ва уларни ноталаштириш, ҳалқ мусиқа чолғуларини тўплашга эътибор қаратди. Туркистон шаҳарларида мусиқий жамиятлар тузилиб, ҳаваскорлар жалб этилди. Рус мусиқа билимдонлари томонидан ўзбек ҳалқ қўшиқларини ўрганилиши, уларнинг ноталаштирилиши, хориж матбуотида нашр эттирилиши каби ҳолатлар ўз даврида мусиқа санъатининг ривожига ҳисса Хуллас, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Туркистон, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига мусиқа санъатида жиддий ўзгаришлар ва янгилинишлар юз берди. Европалик мусиқа билимдонлари Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига мумтоз мусиқа ва ҳалқ оғзаки намуналарини ўрганиш ва уларни ноталаштириш, ҳалқ мусиқа чолғуларини тўплашга эътибор қаратди. Туркистон шаҳарларида мусиқий жамиятлар тузилиб, ҳаваскорлар жалб этилди. Рус мусиқа билимдонлари томонидан ўзбек ҳалқ қўшиқларини ўрганилиши, уларнинг ноталаштирилиши, хориж матбуотида нашр эттирилиши каби ҳолатлар ўз даврида мусиқа санъатининг ривожига ҳисса қўшди. Айни пайтда, Бухоро ва Хоразм ҳудудида ўзбек мусиқа санъати анъаналарини сақлаб қолиш учун зарурий чоратадбирларнинг олиб борилиши ўзбек мумтоз мусиқаси анъаналарининг ривожланишига хизмат қилди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 августдаги ”Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3212-сонлиқарори (Электрон ресурс) // www.uza.uz.
2. Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзода (Харратов). Хоразм мусиқий тарихчаси (араб алифбосида). – Москва, 1925.

3. Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи (араб алифбосида). – Самарқанд -Тошкент, 1927. – 80 б.; Фитрат А. Ўзбек мусиқаси тўғрисида // Аланга, 1928, № 2.
4. Nurmamatovich, S. T. (2021). Theoretical of national music culture fundamentals.
5. Шокиров, Т. Н. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ МУСИҚА ИЛМИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 353-359.
6. Shakirov, T. N. (2022). SUCCESSION IS THE MAIN PRINCIPLE OF DEVELOPMENT OF NATIONAL MUSIC CULTURE. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(06), 1-10.
7. Шокиров, Т. Н. (2022). МИЛЛИЙ МУСИҚА МАДАНИЯТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ (фольклор, достончилик, мақом мисолида). *Science and innovation*, 1(C3), 31-38.
8. Nurmuhamedjanov, A., & Rustamov, I. (2022). YOSHLARNING IJTIMOIY FAOLLIGIDA MADANIYAT VA SAN'AT MUASSASALARIDAGI TO'GARAKLARNING O'RNI. *Science and innovation*, 1(C2), 48-50.
9. Маннопов, С., & Сулейманова, Д. К. (2019). Музыкальное наследие узбекского народа. *Проблемы современной науки и образования*, (10 (143)), 82-84.
10. Nurmuhamedjanov, A., & Rustamov, I. (2022). THE ROLE OF CLUBS IN CULTURAL AND ART INSTITUTIONS IN THE SOCIAL ACTIVITY OF YOUNG PEOPLE. *Science and Innovation*, 1(2), 48-50.
11. Нурмуҳамеджанов, А. (2022). ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА БЎШ ВАҚТДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 442-446.
12. Нурмуҳамеджанов, А., & Султанов, А. Р. (2020). УЗБЕКСКОЕ МУЗЫКАЛЬНОЕ ИСКУССТВО И КУЛЬТУРА ПО ВОПРОСАМ ФОРМИРОВАНИЯ. In *ФИЛОСОФИЯ ИННОВАЦИЙ И СОЦИОЛОГИЯ БУДУЩЕГО В ПРОСТРАНСТВЕ КУЛЬТУРЫ: НАУЧНЫЙ ДИАЛОГ* (pp. 257-261).
13. Tursinovich, A. K., & Abdullayevich, A. E. (2022, June). MILLIY-AN'ANAVIY MUSIQIY CHOLG'U SOZLARINING TASNIFI. In *Archive of Conferences* (pp. 245-248).
14. Karimov, A. (2022). O'ZBEK MUMTOZ MUSIQASINING UMUMNAZARIY ASOSLARI. *Science and innovation*, 1(C6), 317-322.
15. Karimov, A. (2022). GENERAL FUNDAMENTALS OF UZBEK CLASSICAL MUSIC. *Science and Innovation*, 1(6), 317-322.

16. Karimov, A. (2022). GENERAL FUNDAMENTALS OF UZBEK CLASSICAL MUSIC. *Science and Innovation*, 1(6), 317-322.
17. Исаков, У. Т. (2022). ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, МАНБАЛАРИ ҲАМДА УНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ. *Science and innovation*, 1(1), 625-636.
18. Tokhtasinovich, I. U., & Abdumatalibovich, O. R. (2022). The Influence of Music Culture on The Peoples of Central Asia in The Development of Uzbek Music Culture. *Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences*, 5, 70-73.
19. Shohida, S. (2014). The role of the older generation in the education of young people. *Austrian Journal of Humanities and Social Sciences*, (11-12), 178-180.
20. Ataboyeva, S., & Ergashev, A. (2023). THE PLACE OF NATIONAL INSTRUMENTS IN THE ART OF MUSICIANS. *Science and innovation*, 2(C1), 38-41.